Касбнома

# ЎЗБЕК ТАОМИ ДОВРУҒИ

***«Ўзбекистон — Кетринг ЛТД» Ўзбекистон — Малайзия қўшма корхонаси бош директорининг ўринбосари Шарифжон Солиҳовнинг асли касби ошпазлик. Самарқанд кооператив институтини тамомлаган. Отаси, қолаверса устози Ориф акадан таомларни мазали тайёрлаш сирларини ўрганган, «Устоз кўрган шогирд» Тошкентдаги «Гулистон» ресторанида ўн йилдан ортиқ ишлаб кўплаб шогирдлар етиштирган. Ҳозир «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида хизмат қилмоқда.***

**— Шариф Ғуломович, ўзбек миллий таомномаси тарихи инсоният пайдо бўла бошлаган йилларга бориб тақалади. Турмуш тарзимизнинг ажралмас бир қисмига айланган овқатларни бир хил масалликдан турлича қилиб тайёрлаш мумкин, уни мазали қилиб тайёрлаш сир-асрорларини эгаллаш учун катта бир мактабни ўташ керак. Шундай эмасми?**



— Кишиларга ёқадиган, сифатли таом тайёрлаш ҳар бир ошпазнинг мақсад-муддаосига айланмас экан, неъматлар қанча сероб бўлмасин кўзланган натижага эришиш қийин. Иккита ошпазга бир хилда масаллиқ беринг-да, ўзингиз бир четда кузатинг. Ҳар иккисининг ўз тайёрлаш услуби борлигини сезасиз. Истеъмолга чиқарилаётган ҳар бир таом у яхна салат бўладими, иссиқ овқатми биз унга масъулмиз, хўрандалар дидига тўғри келадиган таомларнинг тайёрланишига жавоб берамиз.

**— Ҳозирги пайтда кўча-кўйда тайёрланаётган миллий таомларимиздан кўнглингиз тўлаяптими?**

— Ўзга миллат таомларини мутлақо камситмаган ҳолда шуни айтмоқчиманки, кейинги йилларда ўзбек миллий таомномасида илгари мавжуд бўлиб, унутилиб кетилган бир қанча таомларимиз пайдо бўлди. Узоққа бормайлик, Наврўзда ҳаммамиз севиб истеъмол қиладиган сумалак, ҳалим кабилар минг йиллик тарихга эга. Мустақиллик тантаналарида, Ҳайит байрамларида оқ дастурхон ёзиб, дошқозонларда ошлар дамланади, меҳмонларга улашилади. Бундай тадбирлар халқларимизни янада бирлаштиради. Бундай саховатли маросимларни дунёнинг камдан-кам мамлакатларида учратиш мумкин. Ошимизнинг ўзининг ўттиздан ортиқ тури мавжуд. Ҳар бир вилоятда уни ўзгача тайёрлашади. Арабистон ва Америка мамлакатларидан кириб келаётган «хот-дог», «гамбургер» сингари енгил тамаддилар ҳам керак. Лекин унинг сифатини бузмасдан, чала пиширмб, турли хил нарсалар қўшиб сотилиши, унинг соф асл технологиясига риоя қилинмасдан тайёрланиши соғлиққа ҳам зиён кўрсатмай қолмайди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, соҳамиз анча оқсоқланиб қолди. Чунки катта ресторан, қаҳвахоналар ўзини-ўзи қоплаёлмаяпти. Шунинг учун анчагина ошпазлар ҳам ҳар хил соҳаларга, тижоратга ўтиб кетдилар.

Биз меҳнат қилаётган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига дунёнинг тўрт тарафидан самолётларда келадиган одамларга иссиқ ва яхна таом тайёрлашни юксак маданий савияда олиб бориш, келиб-кетувчиларда илиқ таассуротлар қолдириш мақсадида қўли гул ошпазлар меҳнат қилмоқда. Ҳаркалай ёмон ишламаяпмиз. Чиройли қилиб қадоқланган қуруқ меваларимиз хорижлик меҳмонларда қизиқиш уйғотмоқда. Бой табиатимизнинг турли кўкатлари билан безатилган шарқона кўринишга эга бўлган таомларимизни севиб истеъмол қилишади.

**— Шариф ака, сиз матбуотда ҳам мунтазам қатнашиб турасиз. 200 дан ортиқ мақолаларингиз босилган...**

— Аввало Карим ака Маҳмудовнинг жонкуярлигини айтиб ўтиш жоиз деб биламан. Ҳозирда у кишининг ишларини қизлари давом эттираяптилар. Раҳматли Карим ака Маҳмудов билан биргаликда «Ўзбек миллий таомлари» номли китобни нашрдан чиқариш бахтига муяссар бўлганмиз. Кейинги йилларда бир қанча буклет, тақвим, қўлланмалар босилди. Иккита китобим босилиш арафасида турибди. Ўзбек таомларининг довруғини ёйиш — тилагим.

Ўрта махсус ҳунар-техника билим юртларида шу соҳага катта эътибор берилаётганлиги қувонарли ҳол. Ўйлайманки, юртимиз довруғини оламга ёядиган ошпазлар кўпдан-кўп топилади. Шогирдлар жуда кўп. Уларнинг кўпчилиги вилоятларда меҳнат қилишмоқда.

Пойтахтимизда кўплаб миллатларнинг ресторанларини учратиш мумкин. Бунга мисол қилиб Хитойнинг (Чан-Бай-Шань), Кореянинг (Сеул) ресторанларини олишимиз мумкин.

**— Айтингчи, бошқа давлатларда ўзбек ресторанлари ҳам мавжудми?**

— Албатта бор. Москвада очилган ўзбек ресторанида малака оширганман. Болтиқбўйидаги Юрмала шаҳрида ҳам дўстларнинг кўмаги билан шундай ресторан очишга муваффақ бўлганмиз. Қаерда янги нуқтамиз очилмасин, у ерлар жуда гавжум бўлганлигини кўришимиз мумкин. Малайзия, Сингапур шаҳарларида ҳам шундай нуқталар ташкил этиш ниятидамиз.

*Суҳбатдош*
*Муқаддас ЮСУПОВА.*



*Шаҳримиз жамолини очаётган осмонўпар бинолар.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

# ЎСМИРЛАР ТАРБИЯСИ — МАСЪУЛИЯТЛИ ИШ

***Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги балоғатга етмаганлар иши бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси, шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шуҳрат Жалилов бошқарди.***

Йиғилишда комиссиянинг 1997 йилги иш режаси белгилаб олинди. Йилнинг биринчи чорагида балоғатга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича қилинган ишлар, болаларнинг ёзги таътилини ташкил этиш масалалари муҳокама этилди.

Балоғатга етмаганлар иши бўйича шаҳар комиссияси, унинг туманлардаги бўлимлари янги таркибда фаолият бошладилар. Улар олдида ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида катта ва масъулиятли вазифалар турибди.

Сўнгги`вақтда носоғлом оилаларга эътибор сусайди. Натижада улардаги балоғатга етмаганлар ҳам назоратдан четда қолмоқда. Ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари, «Соғлом авлод учун», «Камолот» жамғармалари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва мувофиқлаштириш жуда муҳимдир.

Май ойида туман ҳокимликлари ҳузуридаги балоғатга етмаганлар комиссияларининг иш фаолиятлари текширилди. Бунда Шайхонтоҳур туман балоғатга етмаганлар иши бўйича комиссия ва мазкур туман ички ишлар бўлими балоғатга етмаганлар нозирлигида амалга оширилаётган ишлар эътиборга лойиқ деб топилди. Сергели тумани ҳокимлиги ҳузуридаги балоғатга етмаганлар иши бўйича комиссиянинг иши ҳам талаб даражасида эканлиги қайд этилди. Ушбу комиссиянинг масъул котиби Ф. Сотникова шу соҳада 26 йилдан бери фаолият кўрсатаётгани, катта тажриба орттиргани ўсмирлар ўртасида тарбиявий ишлар самарадорлигини оширмоқда. Мирзо Улуғбек, Ҳамза туманлари фаолиятида эса камчилик ва нуқсонлар мавжудлиги кўрсатилди.

Айни пайтда Собир Раҳимов ва Акмал Икромов туманларида ички ишлар соҳаларида кўп йил самарали меҳнат қилиб, истеъфога чиққан тажрибали зобитларни комиссиялар ишига жалб этилиши яхши натижа бераётганлиги ҳам таъкидланди.

Ҳозир оромгоҳларни ёзги мавсумга тайёрлаш долзарб масалалардандир. Бу йил корхоналарга қарашли шаҳар ташқарисидаги 57 та ҳамда касаба уюшмаларининг 36 та оромгоҳларида болалар дам олишлари мумкин. Балоғатга етмаганлар нозирлигида ҳисобда турган ўсмирлар Оқтошдаги ҳарбий-спорт лагерида дам олиб, спорт билан шуғулланишлари учун имкон яратилади.

Тошкент шаҳар балоғатга етмаганлар иши бўйича комиссия йиғилишининг қарорига кўра бу ишга маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари, халқ таълими, «Камолот» жамғармаси, касаба уюшмаларини кенгроқ жалб этиш зарурлигини қайд этилди. Комиссия йиғилишларини ҳар ойда ўтказиб туришга келишиб олинди.

*Дилшод ИСМОИЛ.*

# Исматулла ФАТХУЛЛАЕВ

Тиббиётимиз жудоликка учради. Соғлиқни сақлаш соҳасида 49 йил меҳнат қилган фидойи инсон, тиббиёт фанлари доктори, профессор Исматулла Фатхуллаевич Фатхуллаев 75 ёшида вафот этди.

Исматулла Фатхуллаев 1923 йил 2 октябрда хизматчи оиласида таваллуд топди. 1948 йили Тошкент Давлат тиббиёт институтини тугаллагач шу институтнинг фармакология кафедрасида аспирант, ассистент, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Ўлка тиббиёт илмий-текшириш институти клиник фармакотерапия лабораториясида катта илмий ходим, лаборатория мудири, Андижон тиббиёт институти ички касалликлар кафедрасининг мудири, Ўлка тиббиёт илмий-текшириш институти ташкилий-услубий бўлимининг мудири вазифаларида сидқидилдан ишлади. 1979 йилдан Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасида бош терапевт лавозимида ишлаб, 1987 йили қариликпенсиясига чиқди.

Ундаги куч-ғайрат, ишга бўлган садоқат, ўз касбини севиши илмий ишларини ҳимоя қилишда ҳам ёрқин намоён бўлди. «Юракнинг янги гликозидларини экспериментал ва клиник ўрганиш материаллари» мавзуидаги докторлик диссертацияси ва илмий ишлари юрак ва қон-томир касалликлари, уларни даволаш масалаларига бағишланган эди.



Исматулла Фатхуллаев «Рецептурадан қисқача справочник», «Фармокотерапиядан справочник», «Гипертоник хасталик ва қон қуйиш ҳолати» китобларининг муаллифидир. Унинг фан, инсон, табиат ва саломатлик соҳасидаги кўплаб мақолалари республика газета ва журналларида чоп этилган эди.

У кўп йиллик самарали ва ҳалол меҳнатлари эвазига муносиб тақдирланган, мустақил давлатимизнинг «Шуҳрат» медали билан мукофотланган эди.

Жуда кўп беморларнинг дардига малҳам бўлган, олти фарзандини умр йўлдоши билан ажойиб инсонлар қилиб вояга етказган саховатли касб эгаси, профессор Исматулла Фатхуллаевнинг ёрқин хотираси унинг қўлида шифо топган кишилар қалбида, ёру дўстлари қалбида мангу сақланади.

*Бир гуруҳ дўстлари.*


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



**ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

***1997 йилнинг 2 июнидан***

*Чилонзор даҳасидаги Д — 20, 20-А (барча уйлар ва коттежлар), Ғуломов кўчаси, Усмонов кўчасида истиқомат қилувчи 74/75-АТС абонентлари 116-АТСга уланди. Уланиш пайтида алоқа вақтинчалик ёмонлашиши мумкин.*

* * *

*Алоқа иншоотларини таъмирлаш юзасидан режадаги профилактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан*

***9 июндан 14 июнгача***

*Госпитал даҳасидаги 1, 3, 4, 5, 6, 8 ва 9-уйларнинг айримларида истиқомат қилувчи 54/55-АТС абонентларида алоқа бўлмайди.*

***Тошкент шаҳар телефон тармоғи ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.***

**50, 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58-АТС АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

*Мирobод телефон алоқа тармоғининг 50/51-АТСдаги ҳисоб-китоб гуруҳлари филиаллари билан бир қаторда 1997 йил 23 майдан 57/58-АТС биносида ҳисоб-китоб гуруҳлари ва абонентлик ҳамда шаҳарлараро сўзлашувлар учун ҳақларни қабул қиладиган касса фаолият кўрсата бошлади.*

*Маълумот учун телефон: 58-03-90.*

***Мирobод алоқа тармоғи маъмурияти.***

1982 йилги, ҳолати аъло даражадаги «Жигули» — 2103 русумли автомашина, Хонда — Аккорд учун двигатель
**СОТИЛАДИ**
Тел: 48-13-62.

Тошкент оқшоми

*Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.*

*Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.*

***Маълумотлар учун телефон:33-28-95.***
***Факс: (3712) 33-29-09.***
***МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 202, 202-«а», 206-ХОНАЛАР.***


Наср

Иззат ИЛЁС

# ЖОНГА ЖОН

**(Ҳикоя)**

Қадимги шарқ мамлакатларидан бирида ака-ука яшар эдилар. Уларнинг кичиги енгил табиат бўлиб, кун бўйи кўнгли истаган ишлар билан ўралашиб юраркан. Ҳалол ишлаб, пок яшашга сира хуши йўқ экан. Каттаси эса унинг акси, тўғри сўз, покиза қалбли, Аллоҳнинг қаҳридан қўрқувчи мўмин-қобил эди. Укаси доимо унинг дилини оғритар, хафа қилар, шунга қарамай ака ҳамиша укасини яхшиликка ундар эди. Укаси акасининг кўз ёшларига ҳам, чақириқларига ҳам эътибор бермасди. У доим кўнгли истаган ишларни қилиб, гуноҳга ботаверарди. Тонгдан шомга қадар бекор юрар, акасининг ҳавотир олиб ўтиргани парвойига ҳам келмасди.

Кунлардан бир кун акаси тун ярмида уй эшигини кимдир қаттиқ тақиллатаётганини эшитди. Дарҳол эшикни очган эди, уйга ранг-рўйи ўчган, кийимлари қонга беланган укаси югуриб кирди.

— Мени қутқаринг! Мени яширинг! — қичқирди у. — Миршаблар қувиб келишяпти, мен одам ўлдирдим!

Акаси вақтни ўтказмай укасининг қонталаш кийимини ечиб, ўзи кийиб олди. Ўзининг тоза кийимларини укасига кийдириб, қўшни хонага киргизиб эшикни тамбаладида, нима бўлишини кута бошлади.

Кўп кутишга ҳожат бўлмади. Тезда қадам товушлари эшитилиб, хонага миршаблар кириб келишди.

Худди биз тахмин қилгандай қотил шу ерда экан, — деди улардан бири.

Улар ўзлари тахмин қилган одам олдига яқинлашдилар. Миршаблардан бири унга такаббурона қараб сўради: «Қотил сенмисан?» Бироқ у индамади.

— Э, сўроққа вақт кетказишга не ҳожат, — луқма ташлади иккинчиси. Кийимларига қаранглар, шунинг ўзиёқ унинг гуноҳкорлигини исботлаб турибди.

Улар бечора акани маҳкам боғладилар-да, қоронғи кўчалардан олиб ўтиб авахтанинг қоронғи, зах ҳужраларидан бирига қамадилар.

Воқеа содир бўлган ўша вақт ичида маҳбуснинг оғзидан бир оғиз ҳам сўз чиқмади.

Эрталаб яна сўроқ қилинди. Бироқ аканинг бирданбир сўзи шу бўлди: «Мен биламан, бу гуноҳим учун мен ўлимга маҳкумман. Бу қанча тез амалга ошса, шунча яхши».

Бир неча кундан кейин уни суд маҳкамасига олиб келишди. Қози унинг қон юққан кийимларига назар ташлаб, деди: «Ҳаммаси тушунарли, бошқа далил ва исботга ҳожат йўқ».

— Сени оқлагувчи ҳимоячинг борми?

— Йўқ, — деб жавоб берди айбланувчи.

— Ўзингни оқлаш учун бирон нима дейишни истайсанми?

— Истамайман, — деди у хотиржам оҳангда.

Бегуноҳлигини билдириб қўймаслик учун кўзларини ерга қадаб, бошини қуйи солди. Қози дарҳол ҳукм чиқарди ва уни ўлимга маҳкум қилди.

Ҳукм ижро этиладиган кун яқинлашганда, маҳбус кутилмаганда гапира бошлади. У қамоқхона бошлиғи олдига келишини илтимос қилди. Бошлиқ келгач, мақсадини тушунтирди.

— Ҳаёти қил устида турган одамнинг охирги истагини бажаришга рози бўлишингизни сўрайман. Менга бир парча қоғоз, қалам ва хатимни муҳрлаш учун елим берсангиз. Ва яна Аллоҳ олдида менга ваъда берсангиз. Токи ёзган хатимни менинг ўлимимдан кейин кўрсатилган манзилга юборгунга қадар очиб ўқимасинлар. Менга ишонинг. Бу ерда номақбул нарсалар ёзилмаган. Менинг жоним эртага Аллоҳнинг ҳузурида бўлади. Бу хатни ҳаётимнинг охирги дақиқаларида ёлғончи бўлиб қолмаслигим учун ёздим.

Бошлиқ маҳбуснинг юзига диққат билан қаради. Сўзларига ишонмасликка, илтимосини рад этмоққа ўзида куч топа олмади. Унинг бутун ҳаёт-мамоти ўша илтимосда мужассамлашгандек туюлди. Маҳбус эса мулойим ва хотиржам қараб турарди.

Бошлиқнинг ўзи у сўраган нарсаларни тайёрлади ва ўлимга бораётган одамнинг илтимосини сидқидилдан бажармоққа ваъда берди.

Шу куни кечки йўқламадан сўнг у маҳбусдан муҳрланган мактубни олди.

Тун ниҳоясига етиб, тонг ёриша бошлади. Бу тун маҳбус учун бедор ўтса-да, кўнгли хотиржам эди. Ҳужрага тиз чўкиб, яқинлашиб келаётган абадий ҳаётга хаёлан назар ташлар ва бутунлай бошқа ҳаётни кўрар эди. Тонг ёришди. Одамлар иш ҳаракатига тушишди. Маҳбусни ўлимга олиб борадиганлар ҳам қимирлаб қолишди.

Бир соатдан сўнг... ҳаммаси тамом бўлди. Сал ўтмай қўлда муҳрланган мактуб билан хат ташувчи ҳам йўлга тушди. Ака-укалар уйини топиб, эшикни қоқди, ранги ўчган, хавотирланган йигит мактубни олди. У номага шу қадар эътиборсизлик билан қаради-ки, гўё хатнинг унга алоқаси йўқдай. Ниҳоят, хатни очди. Дастлабки сатрларни ўқиётганидаёқ, вужуди ларзага келди. Лаблари титраб, ўзини эшикка отди. Ва яна телбаларча уйга қайтиб кирди. Унинг бутун танаси титрарди.

Мактубга нима ёзилган экан? Унда бир неча сўз бор эди, холос. «Эртага мен сенинг кийимингда сен учун ўламан, сен эса менинг тоза кийимимда покиза ва ҳалол, тўғриликда яшашинг лозим».

«Мен сен учун ўламан!» Бу сўзлар ёш йигитнинг дилини остин-устун қилиб, қалбини ларзага солиб, қўрқув ва гуноҳлардан тош қотган юрагини юмшатди. Кутилмаганда қичқириб юборди: «Мен сен учун ўламан!» Эҳтимол, у ҳали ўлмагандир! У ташқарига чопди. Қамоқхона бошлиғининг олдига киритишларини шу қадар ҳаяжон билан талаб қилдики, қоровулларнинг раҳми келиб, бошлиқнинг олдига киритдилар.

«Мен сен учун ўламан!» Бу сўзлар бошлиққа ҳам чуқур таъсир қилди. Қаттиқ ҳаяжонланган бошлиқ мактубни қозига топширди. Қози мактубни ўқиб чиққач, барча тафсилотларни қотилнинг ўзидан эшитмоқчи бўлди. У бутун айбларини бўйнига олиб, нуқул бир сўзни такрорларди». «Мен ўлимга лойиқман, ўлдиринглар мени».

Аммо катта аканинг айтган сўзлари ўз моҳиятини йўқотмаганди. У ўзини қурбонликка келтирган, энди уни бекор қилиб, қутқаришнинг иложи йўқ эди. Ғишт қолипдан кўчганди.

Шундай қилиб, укага ҳам ҳаёт, ҳам озодлик ҳуқуқи берилди. Қўлида мактуб билан гуноҳи кечирилган қотил уйга қайтиб келиб, айби нақадар оғирлигидан ўкиниб, кўзида ёш билан Худога нола қилди. «Эй, Парвардигор, мени гуноҳкор сифатида ўлишдан озод қил. Айбларим учун бошқа одам қурбон бўлди. Ёмонликка қарши туришимда ёрдам қил. Шафқат қил, токи мен тоза кийимда тоза юрайин ва сен мени ҳар хил гуноҳлардан ўзинг сақла».

Шу-шу одамлар уни таниёлмай қолдилар. У буткул ўзгарди.

Аввалига шериклари яна уни гуноҳли ишларида бирга бўлмоққа ундаб кўрдилар. Аммо у қатъият билан деди: «Бу кийим билан бундай жойларга менинг акам бормагани каби, мен ҳам бора олмайман».

Ҳаётини Аллоҳ қўлига топширган бу одамнинг солиҳона хатти-ҳаракатини кўрган шериклари ҳам тавбага келдилар.

Орадан бир неча йиллар ўтди, унинг ибратли ҳаёти кўп ҳосил келтирди. Сўнгра худо унинг кўпдан буён қилаётган илтимосини инобатга олиб, уни ўз даргоҳига қабул қилди.

Шундай вақт келадики, бу икки ака-ука абадий ҳаётда учрашишади, уларни ҳеч ким ажрата олмайди.

*Уйғур тилидан*
*Маъмура РЎЗИЕВА таржимаси.*

# МАКТАБ ХАНДАЛАРИ

*Она тили ўқитувчиси Муҳсиндан «юрмоқ» феълини туслаб беришини сўради. Муҳсин бўшашиб деди: Мен ю-ра-ман, сен ю-ра-сан...*

*Ўқитувчининг жаҳли чиқиб деди:*

*— Тезроқ гапирсангчи!*

*Муҳсин яна бамайлихотир жавоб берди:*

*— Мен ю-гу-ра-ман, сен ю-гу-ра-сан...*

* * *

*Физика ўқитувчиси:*

*Фараз қилайлик, электр лампочкасини ёндирмоқчи бўлдик, лекин ёнмади. Хўш, сабаби нима бўлиши мумкин?*

*Ўқувчи:*

*— Электр ҳақини тўламаган бўлсангиз керак-да!*

* * *

*Кутубхоначи:*

*— Бу ноёб китоб, бизда унинг фақат битта нусхаси бор. Уни ўқиб бўлганингдан кейин нима қиласан?*

*Ўқувчи:*

*— Уни ёпиб қўяман.*

* * *

*— Шакарнинг фойдаси тўғрисида нима биласан?*

*— Шакар қулоқлар учун фойдалидир.*

*— Қулоқлар учун?!.*

*— Ҳа, менинг укам шакар еганида бақирмайди ҳам, йиғламайди ҳам. Қулоқларим дам олади.*

* * *

*Ҳилола:*

*— Ада, ўқитувчилар нега ҳар хил гапиришади?*

*Адаси:*

*— Тушунтириброқ гапир, қизим.*

*Ҳилола:*

*— Ўтган йил ўқитган ўқитувчимиз учта тўрт ўн икки бўлади деганди. Янги ўқитувчимиз эса иккита олти ўн икки бўлади деб тушунтирди.*

*Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади.*

**Бош муҳаррир**
**Эркин ЭРНАЗАРОВ**

Тошкент оқшоми
Toshkent oqshomi

**Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ**

**Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

***Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълонлар: 33-28-95, 33-08-74, 36-57-65. факс: (3712) 33-29-09.***

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690*

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.